

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГЛЕНОВ НУКУСБАЙ ДАУЛЕТНИЯЗОВИЧ**

**ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ  
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

**08.00.05– Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти  
08.00.011–Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economic sciences**

**Бегленов Нукусбай Даулетниязович**

Хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш  
ва уни ривожлантириш истиқболлари (Қорақалпоғистон  
Республикаси мисолида)..... 3

**Бегленов Нукусбай Даулетниязович**

Использование маркетинговых коммуникаций в сфере услуг и  
перспективы их развития (на примере Республики  
Каракалпакстан)..... 28

**Beglenov Nukusbay Dauletniyazovich**

Using marketing communications in service and perspectives of their  
development (On the example of the Republic of Karakalpakstan)..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 56

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГЛЕНОВ НУКУСБАЙ ДАУЛЕТНИЯЗОВИЧ**

**ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ  
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

**08.00.05– Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти  
08.00.011–Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt842 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Нуриббетов Равшан Ибрагимович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Эргашходжаева Шахноза Джасуровна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Олланазаров Бекмурад Давлатмурадович**  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/30.01.2020.I.20.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Чаржау Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-60-47, факс: (99861) 223-60-78, e-mail: karsu\_info@edu.uz.

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Чаржау Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-60-47, факс: (99861) 223-60-78, e-mail: karsu\_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Убайдуллаев Қ.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Алымов А. К.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

**Досчанов Т.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XIX асрнинг дастлабки чорагига келиб дунё мамлакатлари иқтисодиётида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ҳар бир мамлакатда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланиши бевосита равишда уларда хизматлар соҳасининг қанчалик ривожланганлик даражасига боғлиқлиги тенденцияси юзага келди. Хизматлар соҳасининг бунчалик катта салоҳиятга эга бўлишида маркетинг коммуникациялари ва уни ривожлантиришнинг ўрни жуда катта бўлди. Маркетинг ва хизматлар соҳасининг ўзаро бир-бирларини ривожлантира бориши натижасида охириги 20 йил давомида маркетинг коммуникацияси мустақил фаолият соҳасига айланиб, бунинг исботи сифатида Европа иқтисодиётининг локомотиви саналадиган Германияда ходимлари сони 3 кишидан ошмайдиган 120 нафардан зиёд ташкилотлар маркетинг коммуникацияси масалалари билан шуғулланадилар. Бундай муассасалар Францияда 100, Англияда 200 ва АҚШ да 800 тадан ҳам кўп бўлиб, уларнинг йиллик маблағлари айланмаси жами ҳисобда 1 млрд.доллар атрофидадир, бу соҳада банд бўлганларнинг умумий сони жаҳон бўйича 100 млн кишидан ҳам ортади<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда халқаро миқёсда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш учун йирик брендлар томонидан ҳамкорликдаги хизматлар соҳасига кичик бизнес вакиллари кўпроқ жалб қилиш, хизматлар соҳаси билан коммуникацияларни йўлга қўйиш доирасида офлайн-ивент (инглизчадаги “event” – воқеа, ходиса, тадбир) ва онлайн-ивент каби жараёнларни бошқариш бўйича тадқиқотлар, хизматлар кўрсатиш соҳасини рақамлаштириш, унинг инновацион йўналишларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда маркетинг коммуникацияларининг ривожланиши ўзининг илк босқичида деб ҳисоблаш мумкин, сабаби мамлакатимизда умуман маркетинг фаолиятига тааллуқли бўлган тушунчаларнинг ўзи нари борса 30 йиллик тарихига эга – бунинг сабаби эса кундек равшандир. Лекин шунга қарамасдан, мамлакатимиздаги хизматлар соҳасининг вакиллари ҳам ўз фаолиятларини ривожлантириш йўлида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, маркетинг коммуникацияси имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш борасида бирмунча ишларни амалга оширишга интилоқдалар. Бу кўпроқ реклама, брендинг каби маркетинг тадбирларини ўтказиш тусида намоён бўлиб, маркетинг коммуникацияларининг замонавий шаклларида фойдаланишга ўтишга уринишлар эндигина амалга ошириб келинмоқда.

Амалга оширилган мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “”Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон қарори, 2020 йил 16 июндаги ПҚ-4752-сонли “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-53-08-сонли 2017-

<sup>1</sup> <https://www.tadviser.ru>.

<sup>2</sup> [www.Calltouch.org/2021](http://www.Calltouch.org/2021).

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Фармонлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши йўлида маълум бир даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси.** Маркетинг фаолиятининг назарий муаммоларига хорижлик иқтисодчи-олимлардан кўплари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни замонавий тушунчалар билан бойитиб, уни мазмунан бойитишга ҳисса қўшганлар. К.Андерсен, А.Н.Асаул, Г.Ассель, П.Друкер, Ж.Ж.Ламбен, А.Джулер, Б.Дрюниани, Я.Данбар Ф.Котлер, Л.Роджерс, Р.Кренделл, Ф.Аналуои, А.Карами, С.Дибб, Л.Симкин, М.Бейкер, М.Макдоналд, Г.Черчилль, Я.Эллууд, ва бошқаларнинг<sup>3</sup> илмий ишларида маркетинг фаолиятининг турли масалалари кўриб чиқилган. Ҳамдўстлик мамлакатларнинг етакчи иқтисодчи олимларидан А.Блинов, Е.Голубков, К.Бағиев, И.Беляевский, И.Корнеева, А.Буянкина, Б.Злобин, М.Лапуста, В.Савченко, В.Яковлев, М.Маркарьян, А.А.Нечаев, Н.Я.Петраков, А.Т.Семушкин, Н.П.Шмелев, Е.Книшева ва бошқаларнинг илмий ишларида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Ўзбекистонда маркетинг муаммоларига бағишланган илмий изланишларни олиб борган Г.Ахунова, А.Бекмуродов, М.Болтабоев, С.Ғуломов, Ҳ.Раҳманов, Ж.Жалолов, И.Иватов, И.Турсунов, А.Т.Кенжабаев, О.Рихсимбоев, С. Мусаева, Д.М.Мухитдинов, А.С.Солиев, И.Э Турсунов, А.А.Фаттохов, Ш.Ж.Эргашходжаева ва бошқалар ушбу муаммонинг айрим жиҳатларига ўз изланишларида эътибор берганлар. Бироқ, уларнинг изланишларида айрим тармоқлар, шунингдек, хизматлар соҳаси бўйича маркетинг фаолияти маркетинг коммуникацияси нуктаи-назаридан тўлиқ очиб берилмаган. Айнан хизмат соҳасида маркетинг коммуникацияси

---

<sup>3</sup>Андерсен К. Маркетинг для современных Робин Гудов...: применяем принципы успешных маркетинговых стратегий в реализации благотворительных программ / Катя Андресен; пер. с англ. О. В. Мацака. - М.: Эксмо, 2008. - 270с.; Асаул А.Н. Организация предпринимательской деятельности. - СПб.: Питер, 2005. - 368с.; Ассель Г. Маркетинг: принципы и стратегия: Учебник для вузов - М. ИНФ-РА-М, 1999.; Друкер П. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. - М.: «Бук Чембер Интернэшнл», 1992. - 351 с.; Ламбен Ж.-Ж. Стратегический маркетинг. - СПб.: Наука, 1996. - 589 с.; Джулер А., Дрюниани Б. Креативные стратегии в рекламе / Пер. с англ. подред. Ю.Н Каптуревского. - СПб.:Питер, 2003. -384 с.; Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. Анализ, планирование, внедрение, контроль: Пер. с англ. - СПб.: Питер Ком, 1999.; Роджерс Л. Маркетинг в малом бизнесе. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1996.-256 с.; Аналуои Ф., Карами А. Стратегический менеджмент малых и средних предприятий: Учебник. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.; Дибб С, Симкин Л. Практическое руководство по сегментированию рынка. - СПб: Питер, 2002. -240с.; Макдоналд М., Данбар Я. Сегментирование рынка: Практическое руководство / Пер.с 2-го англ. изд.; Предисловие к русскому изданию д. э. и., проф. Голубкова Е. П. - Изд-во «Дело и Сервис», 2002.-288 с.;

элементларидан фойдаланиш самарадорлиги масалалари етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг зааруриятини тақозо этди.

**Диссертацион мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси давлат илмий-техник дастури доирасида Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университетида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари режаси билан узвий боғланган ва у ПЗ-2017-0928465 “Қорақалпоғистонда Агротуризмни ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Диссертация ишининг асосий мақсади хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Белгиланган мақсадга мувофиқ илмий ишда қуйидаги тадқиқот вазифалари белгиланган:

хизматлар кўрсатиш соҳасида маркетинг коммуникацияси тушунчасини назарий-иқтисодий таҳлил қилиб чиқиш, маркетинг коммуникациясини ташкил этиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва улардан фойдаланишнинг назарий-услубий асосларини, тамойилларини ҳамда хусусиятларини ўрганиш;

минтақада ва мамлакатда хизматлар соҳасининг шаклланиши ҳамда ривожланиши ҳолатини таҳлил қилиш, хизматлар соҳасини ривожлантиришда интеграциялашган маркетинг коммуникациялари стратегиясини ишлаб чиқиш йўллари кўриб чиқиш;

хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясини жорий этишнинг илғор хорижий тажрибалари ўрганиш;

Қорақалпоғистон Республикаси хизматлар соҳасидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти таҳлилин аналга ошириш;

худудий хизматлар соҳасида фаолият юритувчи субъектлар фаолиятида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш самарадорлигини SWOT-таҳлил усулида баҳолашни аналга ошириш;

минтақада хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияси стратегиясини ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш;

минтақада хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичларини умумлаштириш ва улар асосида корреляцион-регрессион таҳлил аналга ошириш;

минтақада хизматлар соҳасининг ривожланиш истиқболларини ва маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилаш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб Қорақалпоғистон Республикасидаги хизматлар соҳасида фаолият юритувчи турли шаклдаги субъектлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб минтақанинг хизматлар соҳасидаги муаммоларини тадқиқ этиш, соҳада содир бўладиган иқтисодий муносабатларни бозор конъюнктураси асосида ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида билиш назарияси, иқтисодий-статистик усуллар, тизимли таҳлил, корреляцион ва регрессион таҳлил, таққослаш, солиштириш, жадвал, график моделлар, башоратлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Изланишнинг асосий ахборот манбаи бўлиб муаллиф томонидан тўпланган ва фойдаланилган ахборотлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизми маркетинг коммуникацияларининг тўрт омилли (MPAT&S, A&SD, SPPS ва RACE) синергетик тизимини яратиш асосида такомиллаштирилган;

минтақадаги хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияси стратегиясини ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини белгилаш асосида SMC ни шакллантириш ва маркетинг коммуникациялари режасини тузиш босқичлари ишлаб чиқилган;

минтақадаги хизматлар соҳасининг маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш салоҳиятини корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган тренд моделлари асосида минтақа хизматлар бозорини ривожлантиришнинг 2021-2025 йиллар учун прогноз қийматлари ишлаб чиқилган;

минтақа хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари интеграциялашган маркетинг коммуникацияларининг таққослама моделини қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш мақсадида маркетинг коммуникациясининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини оширишга қаратилган ташкилий-иқтисодий механизм ишлаб чиқилган;

хизматлар соҳасига маркетинг коммуникацияларини жалб этишни фаоллаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бозоридаги вазиятни баҳолашда маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш даражасини аниқлаш услуби таклиф этилган;

хизматлар соҳасидаги субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш асосида маркетинг коммуникациясининг хизматлар кўрсатиш механизми самарадорлигини оширишда кутилаётган натижаларни баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

хизматлар соҳаси субъектларининг инвестицион-инновацион фаолиятини ривожлантириш, маркетинг коммуникацияси самарадорлигини ошириш истиқболлари асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фойдаланилган ёндашувлар ва назарий усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлил маълумотлари ва статистик маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, амалиётга жорий этилганлиги ва уларнинг



натижалари ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган назарий хулосалар ва илмий таклифлар хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациялари тизимини ривожлантиришда маркетинг коммуникациясидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган ҳамда бу бошқариш жараёнларини такомиллаштириш ва хизматлар кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади. Диссертацияда илгари сурилган хулоса ва таклифлардан келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда, ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий таклифлардан мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган қарорлар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, диссертация материалларидан “Тадбиркорлик асослари”, “Менежмент”, “Маркетинг” ва “Стратегик маркетинг” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан олинган илмий тавсиялар асосида:

- хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизми маркетинг коммуникацияларининг тўрт омилли (MPAT&S, A&SD, SPSS ва RACE) синергетик тизимини яратиш асосида такомиллаштириш бўйича берган таклифи хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш истиқболлари бўйича берилган таклифи “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалида жорий этилган (“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2021-йил 1-октябрьдаги 49-02-06/1299-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали корхонасининг хизмат кўрсатиш ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 74% га ошиши таъминланган;

минтақадаги хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияси стратегиясини ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини белгилаш асосида шакллантириган SMC ва ишлаб чиқилган маркетинг коммуникациялари режаси босқичлари тузиш бўйича берилган таклифи “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалида жорий этилган (“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2021-йил 1-октябрьдаги 49-02-06/1299-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали корхонасининг даромади бир йилда ўртача 20 млрд. сўмга ошиши таъминланган;

минтақадаги хизматлар соҳасининг маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш салоҳиятини корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш натижасида минтақа хизматлар бозорини ривожлантиришнинг 2021-2025 йиллар учун прогноз қийматларини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган илмий асосланган прогноз кўрсаткичларининг тренд моделларини қўллаш бўйича берилган таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва спорт бош бошқармасида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва

спорт бош бошқармасининг 2021 йил 13-октябрьдаги 02-12/04-1210-сонли хати). Мазкур таклифлардан фойдаланиш натижасида республика худудларида хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш ҳамда бунинг эвазига молиявий кўрсаткичлар бўйича ижобий натижа 15 % га ортишига эришилган;

хизматлар соҳаси субъектларининг инвестицион-инновацион фаолиятини ривожлантириш ва маркетинг коммуникацияси самарадорлигини ошириш асослаб берилган таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва спорт бош бошқармасида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва спорт бош бошқармасининг 2021 йил 13-октябрьдаги 02-12/04-1210-сонли хати). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида 2025 йилгача 5000 дан кўп янги иш ўринлари яратилиши мумкинлиги ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган.

**Ишнинг апробация (синов)дан ўтиши.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари “Теоретические аспекты регионального промышленного маркетинга в условиях развития ресурсодефицитного региона” (Хива 2020 й), “Маркетинговые инструменты и системный подход в организации повышения инвестиционной привлекательности региона” (Москва 2011), “Маркетинговая коммуникация предпринимательской деятельности в контексте парадигмы глобализации экономики” (Москва 2013), “Роль маркетинга в сфере услуг в условиях модернизаций экономики” (Андижон 2020), “Особенности применения цифрового маркетинга в условиях бизнеса” (Краснодар 2021), “Основные направления устойчивого развития региона в условиях модернизаций национальной экономики” (Украина 2018), “Особенности маркетинга потребительских товаров в условиях стратегического развития” (Москва 2010), “Иқтисодий ривожланиш жараёнларида маркетинг коммуникацияси ва ундан фойдаланиш зарурияти” (Нөкис 2014), “Мамлакатимизда маркетинг стратегияси асосида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишлари” (Нөкис 2020) халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган журналларда 5 та, хорижда 1 та мақола, илмий амалий конференция тўпламларида 13 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, унинг ҳажми 151 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг

устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишнинг назарий-услубий асосларини ёритиш асосида хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясининг моҳияти ва ундан фойдаланиш йўллари баён қилинган, бу борадаги тушунчаларнинг назарий-иқтисодий таҳлили келтирилган, маркетинг коммуникацияларининг янги тизимини яратиш асосида хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизми такомиллаштирилган, хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясини жорий этишнинг илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш асосида уларнинг энг мақбул жиҳатларидан мамлакатимиздаги хизматлар соҳаси субъектлари фаолиятида фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Маркетинг тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган маркетинг коммуникацияси ҳам хўжалик субъектлари фаолиятида жуда зарур бўлиб, уни танлаш ва фойдаланиш жуда кўплаб омиллар таъсирида содир бўлади ва бу жараён корхона фаолияти самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. XX асрнинг 90-йиллари ўрталарида замонавий маркетинг назарияси доирасида “интеграциялашган маркетинг коммуникацияси” (ИМС), яъни коммуникация комплексидаги алоҳида шаклларнинг ўзаро ҳаракати тушунчаси юзага келиб, унда ҳар бир шакл маркетингнинг бошқа воситалари билан интеграциялашиб, синергия самарасига эришиш учун ўзаро бириктирилиши амалга оширилади.

Кичик бизнеснинг барча соҳаларида бўлгани каби хизматлар соҳасида ҳам маркетинг коммуникациялари мажмуаси мижозларга таъсир кўрсатишнинг қуйидаги асосий тўртта воситаларидан иборат бўлади: реклама; тарғибот-ташвиқот; сотишни рағбатлантириш; шахсий сотиш.

Кўрсатиб ўтилган ҳар бир элементга коммуникацион усулларнинг ўзига хос хусусиятлари тааллуқли бўлади. Хизматлар кўрсатиш соҳасида маркетинг коммуникацияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш жараёнининг мазмун-моҳиятини тўла англаб олиш маркетинг коммуникацияларининг асосий элементларини тўла англаб олишни талаб қилади.

Маркетинг коммуникациялари элементлари ичида эса энг муҳимларидан бўлиб реклама саналади.

Реклама - бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва исталган воситалар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборотдир.

Хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи кейинги омиллардан бири бўлиб сотишни рағбатлантириш саналади.

Сотишни рағбатлантириш – бу реклама, тарғибот-ташвиқот ва шахсий сотишдан фарқ қилувчи, истеъмолчиларнинг харидларини ва дилерларнинг самарадорлигини рағбатлантирувчи кўргазма, тақдимот, намойиш, турли хил тез-тез такрорланавермайдиган тарзда товар ёки хизматларни сотишга бўлган ҳаракатлардир.

Маркетинг коммуникацияларидан самарали фойдаланишнинг яна бир муҳим элементи бўлиб шахсий сотиш саналади. Шахсий сотишда қабул қилинадиган асосий қарорлар алгоритмини ҳозирги замон талабларига мослаштириган ҳолда ўзига хос тартибда амалга оширилади.

Тижорат мақсадларидаги тарғибот анча кенг тушунча саналадиган Public relations (инглизчада– “омма, жамоатчилик билан алоқалар”) тушунчасининг таркибий қисми бўлиб саналади. Буюк Британия Ижтимоий муносабатлар институти таърифи бўйича Public relations – бу тижорат ташкилоти ва жамоатчилик орасидаги ўзаро тушуниш ва хайрихоҳларча муносабатларни яратиш ҳамда уни қўллаб-қувватлаш бўйича режалаштириладиган давомли ҳаракатлардир.

Тадқиқот муаллифининг фикрича, минтақадаги хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияларининг тўрт омилли синергетик тизими механизмини такомиллаштириш орқали маркетинг коммуникациялари самарадорлигини ошириш имконияти юзага келади (1-расм). Хизматлар соҳасидаги субъектлар томонидан маркетинг коммуникациялари самарадорлигини оширишда қўллашнинг биз таклиф этган синергетик тизимдан фойдаланиш механизми доирасида дастлаб MPAT&S (management process of the apparatus of trade and services) тизими элементлари ишга туширилади. Бу тизим 6 та алгоритмдан иборат бўлган ходимлар аппаратини бошқариш жараёнидан иборатдир. Бу тизим билан ўзаро таъсирлашувчи SPPS (stages of the process of providing quality services) тизими амалга оширилиб, бу жараёнда ходимлар миқозлар билан ишлаш тизими (Public relations)нинг барча имкониятларини ишга солишлари керак бўлади. Ўз навбатида Public relations нинг имкониятларини тўла юзага чиқаришда унинг RACE тизими салоҳиятидан фойдаланиш яхши натижаларга олиб келишини таъкидлаб ўтамиз. Шунингдек, A&SD (advertising and sales promotion) тизими элементлардан фойдаланиш ҳам муҳим бўлиб, унинг самарадорлиги фирма ходимларининг Public relations элементи хусусиятларидан унумли фойдаланишларига боғлиқ бўлади.



**1-расм. Хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациялари самарадорлигини оширишда маркетинг коммуникацияларининг тўрт омилли синергетик тизимдан фойдаланиш механизми<sup>4</sup>.**

Фикримизча, чет эл мамлакатларидаги реклама тажрибаси мамлакатимиздаги хизматлар соҳаси субъектлари учун катта мактаб вазифасини ўташи мумкин. Хорижий хизматлар соҳаси субъектларининг ИМК ўзида хизматларни бозорда олға суришнинг барча рекламага хос таркибий қисмларини, барча ОАВ воситаларини, фирма ўз аудиториясини қамраб олишга эришишдаги барча ҳаракатларни намоён қилади – бунда у чет элдаги хизматлар соҳасининг ривожланиш стратегияси ва дастурларини ўзида бирлаштиради.


Диссертациянинг “Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасидаги маркетинг коммуникациясини ташкил этишнинг замонавий ҳолати таҳлили” деб номланган иккинчи бобида минтақадаги хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияларини жорий этиш тенденциялари, хизматлар соҳаси субъектлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлили, минтақадаги хизматлар соҳасининг маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш амалга оширилди. Бунда статистик таҳлил, SWOT-таҳлил усуллари қўлланиб, диссертация иши якунлари бўйича илмий-амалий таклифлар ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида хизматлар соҳаси ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар ичида минтақа иқтисодиёти учун қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг қанчалик муҳимлигини кўрсатиш мумкин. Чунончи, 2016 йилда Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасидаги кичик корхоналар томонидан жами 4 031,5 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилган бўлса, кейинги 2017 йилда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 22,8 % ёки 918,0 млн сўмга ошиб, мутлоқ қийматда 4 949,5 млрд сўмни ташкил этган. Қолган йилларда ҳам бу

<sup>4</sup>Муаллиф ишланмаси.

тармоқ бўйича яратилган маҳсулотлар муттасил ортиб бориб, 2020 йилда бу соҳада жами 10 056,7 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида хизматлар соҳаси субъектларининг кейинги йирик тармоғи бўлиб савдо хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Бу соҳада ҳам охири беш йиллик давр давомида доимий ўсиш тенденцияси кузатилади. Яъни, 2016 йилда хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорлик субъектлари 2 735,9 млрд сўмлик савдо хизматлари кўрсатган бўлсалар, 2017 йилда бундай хизматлар ҳажми 18,9 % га ёки 516,1 млн сўмга ошиб, умумий 3 252,0 млрд сўмга етган (1-диаграмма).



**1-диаграмма. Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси субъектлари томонидан кўрсатилган савдо хизматлари ҳажми<sup>5</sup>.**

Минтақа иқтисодиётида эгалланган кейинги ўрин тармоғи хизматлар соҳасига тегишли бўлиб, бу соҳа бўйича эришилган кўрсаткичлар ҳам доимий ортиб борганлигига гувоҳ бўламиз. Бу хизматлар соҳасининг 2016 йилдан то 2020 йилгача йиллик ўсиш диапазони 21,6 % билан 10,4 % оралиғида бўлган.

Қолган кўрсаткичлар ичида худди юқоридаги икки соҳа каби беш йил давомида фақат ўсиш хусусиятига эга бўлган кўрсаткичлар юк айланмаси бўйича йиллик кўрсаткичларга тегишли бўлиб, юк ташиш, йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси кўрсаткичларида бу ҳолат кузатилмайди.

Мамлакатимизда ва хусусан, унинг энг йирик ҳудудий бирликларидан бири саналадиган Қорақалпоғистон Республикасида айни кунларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хизматлар соҳаси субъектлари томонидан ўз фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун замонавий стратегик бошқариш усулларида кенг фойдаланиш талабини келтириб чиқармоқда. Хизматлар соҳасида рақобатчилик тобора кучайиб бориши билан исталган субъект бозорда юқори самарадорликка эришиш учун ўз

<sup>5</sup>Муаллиф ишланмаси.

фаолияти ташқи ва ички муҳитини самарали таҳлил эта олишни ўзининг кучли томонларини тўғри баҳолаши ва уни олдиндан кўра билиши билан уйғунлаштириш катта самара бериши шубҳасиздир. Бу йўналишда хизматлар соҳаси субъектларининг хўжалик ҳолатидаги ижобий ва салбий жиҳатларни ўз вақтида аниқлашга, бозор позициясининг қанчалик ишончлилигини аниқлашга имкон берувчи стратегик бошқариш дастаги бўлиб SWOT-таҳлил усули ҳисобланади.

“Korzinka.uz.QQR” ритейлерлик компаниясининг фаолиятини SWOT-таҳлил усулида ўрганишни биз даставвал ички маркетинг аудити ва мижозлар орасида ўтказилган сўровнома маълумотлари асосида олинган кучли ва кучсиз томонларни аниқлаб, ўзига хос матрицани ҳосил қилинди.

Амалга оширилган SWOT-таҳлил асосида “Korzinka.uz.QQR” учун хавф-хатарлар ва имкониятлар матрицаси тузиб чиқилди. Бу матрицадаги зудлик билан чора кўриш майдонига солиқ ва божхона қоидаларининг ўзгариши ва бозорнинг рақобатчилар учун жозибадорлиги каби хавф-хатар элементлари киритилади. Аниқланган имкониятлар ва хавф-хатарларни ҳисобга олиш билан ўзаро таъсир қилувчи “Имкониятлар – кучли/кучсиз томонлар” ва “Хавф-хатарлар – кучли/кучсиз томонлар” асосий гуруҳлари ажратиб олинади ва мос ҳолдаги матрица тузилади. Бу босқич амалга оширилган таҳлил бўйича стратегик хулосаларни чиқаришга, компания олдида турган муаммолар ва вазифаларни аниқ тузилмалаб олишга ҳамда уларни мавжуд ва кўзда тутиладиган ресурслар ҳисобига ҳал қилиш йўлларини топишга имкон беради. Айнан мана шу босқич компаниянинг “Korzinka.uz.QQR” филиали минтақадаги савдо хизматлари бозорида ривожланиб, мустақамланиб боришининг стратегик мақсадларини белгилаб беради.


Диссертациянинг **“Янги ислохотлар шароитида минтақа хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари”** деб номланган учинчи боби минтақада хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияси стратегиясини ривожлантириш, корреляцион таҳлил асосида хизматлар соҳасининг прогноз кўрсаткичларини белгилаш, хизматлар соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш масалаларига бағишланган.

Ҳар бир фирма учун маркетинг коммуникациялари стратегиясини шакллантириш зарурати долзарб бўлиб саналади. Маркетинг коммуникацияларининг мана шундай аҳамияти потенциал мижозлар учун курашишда, бозорда ўз мавқеини сақлаб қолишда фирмалар ўртасидаги рақобат курашининг кучайиб бориши билан тушунтирилади. Рақобатдаги курашни муваффақиятли олиб бориш учун исталган фирма ёки компания менежменти ходимлари ўзлари таклиф этаётган ва бозорда олға сураётган товар (хизмат)ларни самарали сотиш йўлларини топа олиши лозим, бунга эса айнан маркетинг коммуникациялари элементларига стратегик ёндашув асосида эришиш мумкиндир.

Замонавий иқтисодий адабиётларида “товар(хизмат)ларни бозорда олға суриш бўйича фаолиятни умумий ном остида “маркетинг

коммуникациялари” деб юритиш тартиби қабул қилинган”<sup>6</sup>. У ёки бу хилдаги ўз товар (хизмат)ларини фирма қанчалик самарали олға суриш сиёсатини амалга ошириши унинг бозорда яшаб қолишини ва келгусида ривожланиш учун ижобий истиқболларга эга бўлишини таъминлайди. Товар (хизмат)ларни бозорда самарали олға суриш эса фақат фирманинг SMC оқилона ишлаб чиқилиши асосида амалга оширилиши мумкин.

Тадқиқот муаллифининг фикрича, юқорида билдириб ўтилган қарашлар асосида минтақада хизматлар соҳасида маркетинг коммуникацияси стратегиясини ривожлантириш учун SMC нинг конкретлаштирилган йўналишларини кўрсатувчи маркетинг коммуникациялари режасини шакллантириш жараёнини қуйидаги босқичлардан иборат ҳолда амалга ошириш асосли деб топилади (2-расм).



**2-расм. Хизматлар соҳасида SMC ни шакллантириш ва маркетинг коммуникациялари режасини тузиш босқичлари<sup>7</sup>.**

Фирманинг SMC ни шакллантириш давомида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи субъект таклиф этаётган хизматларнинг ўзига хосликлари, мижозлар аудиториясининг хусусиятлари ва умуман мазкур субъект фаолият олиб бораётган бизнес йўналишидаги бозор ҳолатлари ҳисобга олинishi лозим.

Диссертациянинг олдинги қисмларида амалга оширилган тадқиқот натижаларини инобатга олган ҳолда тадқиқот ишининг объекти ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси ривожланишининг вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни шаклланиши ҳамда ўсишига таъсирини статистик ва эконометрик тадқиқот усуллари асосида қараб чиқамиз. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди. Маълумотлар базаси 2010-2020 йиллар учун яратилди ва қиймат кўринишидаги маълумотлар 2010 йиллар нархларида ифодалангани ҳолда реал кўрсаткичларга айлантилди.

<sup>6</sup> А.Ж.Абуова. Стратегия маркетинговых коммуникаций как ключевой элемент маркетинговой стратегии вуза, АУМ, Казахстан, УДК 378: 339.138, E-mail: dedicate@mail.ru.

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси.



Минтақада хизматлар соҳаси ривожини иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий кўрсаткичлар билан қанчалик даражада боғлиқ эканлигини аниқлаш учун корреляцион таҳлилни амалга ошириб ўтдик (1-жадвал).

1-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	ЯҲМ	Саноат	Истеъмол товарлари	Қишлоқ хўжалиги	Асосий капиталга инвестициялар	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Хизматлар ҳажми жами	Соф экспорт	Ишсизлик даражаси	Бандлик даражаси	Аҳоли жон бошига реал даромадлар
ЯҲМ	1.00											
Саноат	0.97	1.00										
Истеъмол товарлари	0.98	0.96	1.00									
Қишлоқ хўжалиги	0.99	0.96	0.97	1.00								
Асосий капиталга инвестициялар	0.36	0.17	0.33	0.39	1.00							
Қурилиш ишлари	0.94	0.86	0.95	0.93	0.43	1.00						
Чакана савдо айланмаси	1.00	0.96	0.97	0.99	0.42	0.94	1.00					
Хизматлар ҳажми жами	<b>0.99</b>	<b>0.97</b>	<b>0.99</b>	<b>0.98</b>	<b>0.35</b>	<b>0.96</b>	<b>0.99</b>	<b>1.00</b>				
Соф экспорт	0.62	0.78	0.58	0.60	-0.39	0.39	0.58	<b>0.60</b>	1.00			
Ишсизлик даражаси	0.56	0.61	0.69	0.52	-0.20	0.65	0.52	<b>0.62</b>	0.44	1.00		
Бандлик даражаси	0.83	0.82	0.89	0.79	0.22	0.87	0.81	<b>0.85</b>	0.46	0.82	1.00	
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	0.99	0.95	0.99	0.98	0.37	0.97	0.99	<b>0.99</b>	0.55	0.61	0.86	1.00

Олинган натижаларга кўра, хизматлар ҳажми ЯИМ ҳажмидаги ўзгаришлар билан юқори даражада мусбат боғлиқликка эга бўлиб, корреляция коэффиценти 0,99 га тенг бўлмоқда. Шунингдек, саноат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ишлари, чакана савдо айланмаси каби кўрсаткичлар ҳажми билан ҳам корреляция коэффиценти 0,95 дан катта қийматга эгаллиги аниқланди. Лекин асосий капиталга киритилган инвестициялар ва жами хизматлар ҳажми орасидаги корреляция коэффиценти жуда заиф бўлиб, 0,35 ни ташкил қилмоқда. Бундан кўринадики, ҳудудда муҳим иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларни шакллантиришда хизматлар ривожини алоҳида аҳамият касб этиб келатганига қарамадан, хизматлар соҳасини етарли даражада ривожланган дейиш қийин. Чунки, хизматлар соҳасининг юқори даражадаги тараққиётининг таъминланган бўлиши минтақада инфратузилманинг етарли даражада ривожланишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида инвестициялар оқимини кучайтиришга хизмат қилади.

<sup>8</sup>Муаллиф ишланмаси.

Ташиш, сақлаш, қадоқлаш, ахборот-коммуникация ва реклама каби хизмат турларининг етарли даражада шаклланган бўлиши минтақада фаолият юритувчи корхоналарни ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради. Бу эса, ўз навбатида, муҳим иқтисодий кўрсаткич ҳисобланган соф экспортнинг ошиши ва мамлакатда иқтисодий барқарорликнинг таъминланишига хизмат қилади. Бироқ, тадқиқотларимиз иккала кўрсаткич орасидаги корреляция коэффициентининг 0,60 тенг эканлигини кўрсатгани ҳолда мусбат, аммо ўрта даражадаги боғлиқликни ифодаламоқда. Бу ўз навбатида минтақада хизматлар кўрсатишнинг етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатувчи иккинчи натижадир.

Муҳим ижтимоий кўрсаткичлар ҳисобланган ишсизлик ва бандлик даражаси билан жами хизматлар ҳажми орасидаги корреляция коэффициенти ҳам ўзига хос натижаларни кўрсатмоқда. Хусусан, ишсизлик даражаси билан жами хизматлар ривожланиши орасида манфий боғлиқлик бўлиши лозимлигига қарамасдан, мусбат корреляция коэффициенти аниқланди. Шу билан бир вақтда, бандлик даражаси билан жами хизматлар ҳажми орасидаги корреляция коэффициенти 0,85 ни ташкил қилгани ҳолда, етарли даражада юқори қийматга эга бўлмоқда.

Ишсизлик даражасининг дастлабки даврда пасайиши ва кейинги даврда ошиши унинг хизматлар соҳаси билан мусбат боғлиқлигини таъминлаган. Шунга алоҳида эътибор қаратишимиз мумкинки, 2018-2020 йилларда ишсизлик даражасини кескин ўсган бир шароитда бандлик даражасида ҳам юқори даражада ижобий ўзгариш таъминланган. Хулоса шундан иборатки, айнан ишсизлик даражасининг кескин ўсиши иқтисодий пасайиш билан эмас, балки уларнинг ҳисобини юритишга эътибор қаратилиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Аҳоли фаровонлигини ифодаловчи жон бошига реал даромадларнинг ўсишида хизматларнинг тараққиёти алоҳида аҳамиятга эга эканлигини натижалар тасдиқламоқда. Яъни, иккала кўрсаткич орасидаги корреляция коэффициенти 0,99 ни ташкил қилмоқда.

Тармоқларнинг минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги ролини ўрганиш натижаларига кўра, энг юқори таъсир хизматлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур таъсирни ўрганиш учун регрессион таҳлил амалга оширилган бўлиб, қуйидаги натижаларга эга бўлинди (1-илова).

$$\ln(GRP) = 2.18 + 0.06 * \ln(Ind) + 0.38 * \ln(Agri) + 0.38 * \ln(Ser) \quad (1)$$

$$se = (0.39) \quad (0.03) \quad (0.10) \quad (0.05)$$

$$t = (5.66) \quad (2.37) \quad (3.94) \quad (7.67) \quad R^2 = 0.99$$

Бу ерда: *GRP* – Қорақалпоғистон Республикасида яратилган ялпи ҳудудий маҳсулот реал қиймати млрд.сўм (2010 йил нархларида), *Ind* – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари қиймати млрд.сўм (2010 йил нархларида), *Agri* – ишлаб чиқарилган қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари қиймати млрд.сўм (2010 йил нархларида), *Ser* – ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати млрд.сўм (2010 йил нархларида).

Регрессион таҳлил натижаларига кўра аниқланган барча коэффицентлар келтириб ўтилган мезонлар бўйича адекват бўлиб, улардан хулосалар чиқариш учун фойдаланиш мумкин. Натижаларга кўра, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бир фоизга ўсиши ЯХМнинг реал ҳажмини 0,06 фоизга ўсишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир фоизга ошиши эса ЯХМ реал ҳажмини 38 фоизга ўсишини таъминлайди. Бундан кўринадики, хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ривожланиш минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланишда кучли таъсирга эга.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланишини нафақат ЯХМ маҳсулотга таъсири юқори кўрсаткичнинг, балки минтақа тараққиётини ифодаловчи ҳар бир кўрсаткичнинг шаклланиши ва ўсишида аҳамиятли эканлиги аниқланди. Ушбу таъсирларни алоҳида эластиклик коэффицентларини аниқлаш асосида қараб чиқамиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Минтақада хизматлар соҳаси ривожини муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ривожига таъсири баҳолаш моделлари<sup>9</sup>

№	Моделнинг математик кўриниши	t-статистика	R <sup>2</sup>	Эластиклик коэффиценти
1	$Ln(GRP) = 3.57 + 0.63 * Ln(Ser)$	b <sub>0</sub> =32,83 b <sub>1</sub> =41,76	R <sup>2</sup> =0,99	0.63
2	$Ln(Ind) = 1.00 * Ln(Ser)$	b <sub>1</sub> =151,76	R <sup>2</sup> =0,99	1.00
3	$Ln(Agri) = 3.90 + 0.47 * Ln(Ser)$	b <sub>0</sub> =19,20 b <sub>1</sub> =16,52	R <sup>2</sup> =0,97	0.47
4	$Ln(Saldo) = 0.68 * Ln(Ser)$	b <sub>1</sub> =34,89	R <sup>2</sup> =0,99	0.68
5	$Ln(Intrade) = -3.98 + 1.37 * Ln(Ser)$	b <sub>0</sub> =-3,31 b <sub>1</sub> =8,20	R <sup>2</sup> =0,88	1.37
6	$Ln(Invest) = 1.00 * Ln(Ser)$	b <sub>1</sub> =55,28	R <sup>2</sup> =0,99	1.00
7	$Empl = 28.99 + 4.16 * Ln(Ser)$	b <sub>0</sub> =3,91 b <sub>1</sub> =4,05	R <sup>2</sup> =0,65	4.16
8	$Ln(Re alln) = 2.62 + 0.70 * Ln(Ser)$	b <sub>0</sub> =12,19 b <sub>1</sub> =23,45	R <sup>2</sup> =0,98	0.70

Бу ерда: *Saldo* – соф экспорт кўрсаткичи бўлиб, экспорт ва импортнинг айирмасига тенг, млн.АҚШ доллари; *Intrade* – ташқи савдо айланмаси, млн.АҚШ доллари; *Invest* – асосий капиталга киритилган инвестициялар қиймати, млрд.сўм (2010 йил нархларида), *Empl* – бандлик даражаси, %да; *Realln* – аҳоли жон бошига реал даромадлар қиймати, минг.сўм (2010 йил нархларида).

Юқорида келтирилган саккизта модел минтақада хизматлар соҳаси ривожининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолашда моделда натижавий кўрсаткичнинг ўзи фоизда ҳисоблангани учун

<sup>9</sup>Муаллиф ишланмаси.

lin-log моделидан фойдаланилган. Стьюдент мезонига кўра аниқланган барча коэффициентлар адекват, детерминация коэффициенти ҳам барча моделларда юқори қийматга эга бўлмоқда. Фақат еттинчи моделда детерминация коэффициентининг кичикроқ қийматга эга эканлигини кузатиш мумкин.

Биз муҳим омил сифатида қаралаётган хизматлар соҳаси ривожини кўрсаткичларга таъсирини эластиклик коэффициентидан фойдаланган ҳолда қараб чиқдик. Логарифмик моделда аниқланган коэффициентлар эластиклик кўрсаткичини ифодалайди, фақат еттинчи моделда коэффициентнинг ўзи тўғридан-тўғри эластиклик кўрсаткичини ифодаламайди, яъни 0,01 га кўпайтириш лозим. Бироқ, бизнинг моделimizда натижавий кўрсаткич миқдор эмас, фоиз кўринишида бўлганлиги сабабли аниқланган коэффициент эластиклик кўрсаткичи сифатида қабул қилинади.

Энг юқори эластиклик коэффициенти бандлик даражасига тўғри келиб, 4,16 ташкил қилиб, минтақада хизматлар ҳажмининг бир фоизга ўсиши бандлилик даражасининг 4,16 % га ошишини таъминлайди. Энг паст эластиклик коэффициенти эса қишлоқ хўжалигига тўғри келмоқда. Ташқи савдо айланмаси ҳажмини оширишда ҳам хизматлар кўрсатишининг аҳамияти жуда юқори эканлиги аниқланди, бундан ташқари хизматлар ҳажми 1 % га ошиши соф экспорт ҳажмининг 0,68 %га ошишини таъминлашга хизмат қилади.

Амалга оширилган корреляцион-регрессион таҳлил натижаларига кўра, минтақада ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ошиши бевосита хизматлар ривожини билан боғлиқ, аммо хизматлар соҳаси етарли даражада ривожланмаган эканлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, хизматлар соҳасининг ривожини эса бир томондан, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга хизмат қилса, бошқа томондан даромадларнинг ошиши хизматлар таракқиётини таъминлайди.

Юқоридаги таҳлил натижаларига янада аниқлик киритиш мақсадида минтақада хизматлар соҳаси 2010-2020 йиллардаги ривожланиш динамикаси таҳлиliga тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳисоб-китобларимиз натижалари Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасининг юқори суръатларда, яъни, кейинги ўн йилда ўртача 13,8 фоиздан ўсганлигини кўрсатмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан соҳани бугунга қадар етарли даражада ривожланиб улгурмаганлиги индукцион ва дедукцион таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда минтақада хизматлар ривожини таъминлашда унинг таркибий қисмларидаги ўзгаришларининг аҳамиятини ҳам баҳолаб ўтишни жоиз топдик. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси томонидан хизматларнинг 12 тури ажратиб кўрсатилади ва уларнинг статистикаси юритилади. Бу 12 турдан ташқари хизмат турлари бошқа хизматлар сифатида ҳисоби олиб борилади. Диссертацияда мазкур хизмат турлари динамикаси жами хизматлардаги улушининг ўзгариши асосида кўриб чиқилган.

